

2 СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Биз сиёсий технологияларга нафақат фан сифатида, балки доимий ривожланишда бўлган амалий восита сифатида қарашимиз лозим.

4-5

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз шаънига тухмат қилаётганларнинг ўзи келиб ҳақиқатни кўрсин: тинчлик ва тотувлик бу муқаддас заминда оддий сўз эмас, балки кундалик ҳаёт тарзидир.

6

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

Ўзбекистондаги православие диндагиларнинг кўпчилиги руслар, украинлар, грек ва бошқа миллат вакиллари. Улар бу меҳмондўст ўлкада ўзларининг ҳақиқий ватанларини топдилар.

12

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Ёшлар тарбияси ҳамманинги иши. Бу масъулиятли ошди ҳеч ким ўзини четта илҳи мумкин эмас. Чунки келажак тақдири кўп жиҳатдан бугун биз ёшларимизни қандай тарбиялашимизга боғлиқ.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2006 йил 1 декабрь № 11 (11)

## ВАТАННИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

### ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, етуқ шахс сифатида вояга етиши учун кўникма ва шароит алақачон шаклланиб бўлган. Бунини 29 ноябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2-қурултойида кутарилган ва муҳокама этилган масалалар тўлалигича кўрсатиб берди.

#### Элмурод ЭГАМКҮЛОВ

Қурултойда «Камолот»нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлиmlларидан делегатлар, Олий Мажлис сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари иштирок этдилар.

Ҳаракатни ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши, соғлом турмуш кечириши учун имконият туғдириш, ёшларнинг қонуний ҳуқуқи ва ман-

фаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган ташкилотга айлантириш муҳим масала эканлиги қурултойнинг мазмун-моҳиятини белгилади.

Анжуман қатнашчилари Марказий Кенгаш раиси Ақром Алимовнинг ҳисоботи ҳамда раис ўринбосари Гулрух Аъзамовнинг Дастур ва Низомнинг янги лойиҳаси бўйича қилган маърузасини атрофлича муҳокама қилдилар. Дастур ва Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бора-борида Ҳаракат фаолларидан 5300 дан зиёд тақлифлар тушди. Бу тақлифлар Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари, шунингдек, махсус очилган интернет сайтларда, ёшлар газета-

лари саҳифалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда кенг муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди ва қурултой иштирокчиларига тақдим этилди.

Хусусан, янги тахрирдаги Дастурда «Камолот» ўз фаолиятини демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломадлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этиш каби мақсад ва вазифалар асосида олиб бориши белгиланди.

Низомда эса ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш борасида бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топди.

Делегатлар Дастур ва Низомга киритилган янги қўшимча ва ўзгаришларни маъқулладилар.

Анжуманда «Камолот» ЁИХнинг ўтган йиллардаги фаолияти, айниқса, унинг Дастур ва Низом талабларини бажариш, ташкилот томонидан ёшларнинг орзунимдларини рўёбга чиқа-

риш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасида олиб борган ишлари, афсуски, кўнгилдагидек эмаслиги, хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Шу боис «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ва аъзоларини, вилоят кенгашлари раҳбарларининг янги таркибини сайлаш қурултойнинг асосий масаласига айланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси этиб Ақром Алимов сайланди. Шунингдек, раиснинг тўрт нафар ўринбосари, Марказий Кенгашнинг 61 нафар аъзоси, вилоят кенгашлари раислари, 13 кишидан иборат Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари ҳам сайландилар.

24 ноябрь куни матбуотда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Баёноти эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжаллиги масалалари ва экология кўмитаси 24 ноябрь куни Жиззах вилоятида «Айдар-Арносой кўлларида самарали фойдаланиш — экологик барқарор тараққиёт гарови» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда Айдар-Арносой кўлларида сув ва балик ресурсларидан, шунингдек, экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Беларусь пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди.

30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

**Бугун биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораёلمиз. Бу янгиланишлар жараёнини эса одамлар онгиди демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас ҳолда амалга ошириш тақозо этилади.**

Гули ЖАҲОН

ФУҚАРОЛИК жамиятини ўрганиш институтида «Замонавий сиёсий технологиялар бўйича мутахассис ва мураббийларни тайёрлаш» икки ҳафталик ўқув курси ташкил этилди. Қизгин мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтаётган бу курслар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Тошкент давлат юридик институти, сиёсий партиялар, муассасалар экспертларининг ҳамда Германия ва Россиядан ташриф буюрган олимларнинг турли маълумотларга бой чиқишлари машғулот иштирокчиларида катта таассурот қолдирганини қуйидаги мулоҳазалардан ҳам билиб олиш мумкин.

**Азизбек РУСТАМОВ,**  
«Миллий тикланиш» ДП  
Марказий Кенгаши мутахассиси:

— Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий тажриба, сиёсий етуқлик ва



жамият ислоҳотидаги фаол иштироки деб биламиз. Бу эса партия фаолларидан сиёсий ва дунёвий билимларни чуқур ўрганишни талаб қилади.

Худди ана шу мақсадлар кўзда тутилган курслар таш-

ни шакллантириш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларни олиб боришга салмоқли таъсир кўрсатади. Бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Биз машғулотлар давомида ана шу масалаларни ўртага ташлаб, баҳс-му-

ловга сайлов тугаши билан киришиши лозим. Одатда сиёсий партиялар фаолиятида сайлов тугагач, сокинлик пайдо бўлади ва навбатдаги сайловларга яқин қолганда компаниябозлик, шошма-шошарлик билан номзодлар танлаш, номига-

ютуқ муқаррардир. Сиёсий жараёнларда ҳар бир партия ўз лидери, ўтган сайловда депутатларнинг қандай фаолият кўрсатиб, дастурий вазифаларни қай тарика амалга ошира олганлиги билан баҳоланишни кўпсонли электорат олдида намоён этиши ва уларнинг партияга нисбатан ижобий қарашларини сақлаб қолиши муҳим аҳамият касб этади. Ўқув машғулотлари давомида сиёсий технологияларнинг ана шундай нозик қирралари ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлдик.

# ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Баҳриддин РАҲМАТОВ,**  
«Адолат» СДП Тошкент  
вилояти кенгаши котиби:

— Жамият ҳаётини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда халқнинг фидойилиги, фуқароларнинг сиёсий етуқлигини таъминлашда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни муайян қонунлар асосида либераллаштиришни узлуксиз тарзда амалга оширишда «давлат ва жамият ўртасидаги кўприк» мақомини олган сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий нуфузини янада кўтариш зарурияти

гина тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш ҳолатлари кўзга ташланади. Бунинг ўрнига сиёсий партиялар халқ билан доимий алоқада бўлиб, уларнинг фикри билан, дарди билан ҳисоблашиб фаолият юргизсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Набижон ТЕМИРОВ,**  
«Фидокорлар» МДП фаоли:

— Сиёсий жараён халқни фаровон турмушга, эркинликка чорловчи ва йўлловчи хатти-ҳаракатлардан ташкил топган муҳим воқеа ҳисобланади. Бу жараён сайлов билан боғлиқ



**СИЁСИЙ ЖАРАЁН ХАЛҚНИ ФАРОВОН ТУРМУШГА, ЭРКИНЛИККА ЧОРЛОВЧИ ВА ЙЎЛЛОВЧИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН МУҲИМ ВОҚЕА ҲИСОБЛанади.**

сиёсий маданиятни ёшлар онгига сингдириш ва уларни бугунги кун сиёсатида жалб этиш сиёсий партиялар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Биз — «Миллий тикланиш»чилар ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг бош омилларидан бири фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг

кил қилингани барчамизга ўз сиёсий билимларимизни янада мустаҳкамлаш учун қулай фурсат яратди.

**Маъруфжон АЛИЕВ,**  
ЎзЛиДеП аъзоси, ФЖЎИ  
Фаргона вилояти Қўқон филиали илмий ходими:

— Сиёсий технологияларни ўқитиш курслари келажакда жамоатчилик фикри-

**Шоира ХЎЖАЕВА,**  
Ўз ХДП мафқуравий  
маслаҳатчиси:

— Мен ўз кузатишларимдан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларимни билдирмоқчиман. Фикримча, сиёсий партиялар навбатдаги сай-

бўлиб, у икки даврни қамраб олади: сайловгача ва сайловдан сўнг. Иккаласи ҳам ўта мураккаб, қизгин баҳсларга бой бўлади. Кимки, сиёсий онги, савияси ва ўз сиёсий технологиялари-га, тажрибага эга бўлса,

кундан-кунга кучайиб бора-моқда. Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда сиёсий технологияларнинг ўқув курслари бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун айна муддао бўлди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди.**

**Хусниддин БЕРДИЕВ,**  
ЎзХДП Марказий  
Кенгаши матбуот  
хизмати ходими

УНДА «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини ку-

чайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилиши муносабати билан партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмала-

## ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТ



рининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала кўрилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғулом маъруза қилди.

Пленум иштирокчилари янги қонунлар лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини партиянинг ҳар бир аъзосига, электоратнинг ҳар бир вакилига етказишга диққат-эътибор қаратиши лозимлигини қайд этдилар. Ўзбекистонда вужудга келтирилган вакилик

парламенти демократиясининг миллий модели ҳақидаги тушунчани, онгли ва фаол фуқаровий муносабатни шакллантириш партия ташкилотларининг муҳим вазифаси бўлиши лозим, деб таъкидладилар.

Маҳаллий партия ташкилотлари мамлакат Президенти янги ташаббусини аҳолига тушунтириш ишлари-

**янги ташаббусларга чорлайди**

ни олиб боришни ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан, бу тадбирлардан ЎзХДПнинг барча кенгашлари, ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини жиддий равишда ошириш мақсадида фойдаланишлари зарурдир, дейилди пленумда.

**Ўзбекистон музейлар кенгаши фан, маданият ва санъат ходимлари, ҳамда мавжуд мулкий шаклдаги музейларни бирлаштирувчи нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилоти. У 1997 йилда ташкил топган.**


**Муниса НУРМАТОВА**

КЕНГАШ Ўзбекистон музейларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, музей ходимлари малакасини оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, миллий маданий бойликларимизни халқаро миқёсда намойиш

**ТАНИШИНГ:**

# ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАР КЕНГАШИ

қилиш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёга таништириш, музейшунослик осори атиқаларни



ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича жаҳон тажрибасини амалда татбиқ этиш, маданият, тарих ва санъатга оид турли нашрлар чоп этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Кенгаш шу йилнинг июнь-сентябрь ойларида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг «Менинг Ватаним-менинг дунёим» лойиҳаси доирасида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида тасвирий санъат бўйича танлов ва кўрғазма ўтказди. Бундан асосий мақсад, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларига жамиятнинг, хусусан нодавлат секторнинг эътиборини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан мураккаб шароитларда яшайётган ўғил-қизларга ўз хис-туйғуларини санъат воситасида баён

қилиш учун имконият яратиш, Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш ва улар орасидан қобилиятли ўғил-қизларни аниқлаш, уларни рағбатлантиришдан иборат эди.

Танловнинг саралаш босқичи жойлардаги ҳокимликлар билан яқиндан ҳамкорликда ўтказилди ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Танловда 500 га яқин 13-16 ёшдаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этдилар.

4 тадан энг яхши расмлар ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан танловнинг якуний босқичига олиб келинди. Танловнинг якуний босқичи Тошкентдаги «Гранд орзу» меҳмонхонасида ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан биринчи ўрин Самарқанд вилоятидаги 6-Мехрибонлик уйи тарбияланувчисига, иккинчи ўрин Қашқадарё вилоятидаги 21-Мехрибонлик уйи тарбияланувчисига, учинчи ўрин эса Жиззах вилоятидаги 1-Мехрибонлик уйи тарбияланувчисига насиб этди. Танловнинг «Болаларча бегузорлик учун» номинацияси бўйича Андижон


вилоятидаги 6-маҳсус Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси ғолиб деб топилди. Танловнинг саралаш босқичларида яхши иштирок этиб, унинг якуний босқичига йўлланма олган барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон музейлар кенгаши Ўзбекистон Фанлар Академияси, Маданият ва спорт ишлари, Ташқи ишлар вазирликлари, Испания Ташқи ишлар вазирлиги, Амир Темуру—Клавихо жамияти каби бир қатор ташкилотлар билан биргаликда Испанияда соҳибқирон Амир Темуру таваллудининг 670 йиллигига

бағишланган кўрғазманинг ташкил этилишида ҳам иштирок этмоқда.

Кўрғазма 2007 йилнинг апрель ойида Испания пойтахти Мадридда намойиш этилади.

2007 йил Индонезия, Малайзия ва Бруней давлатларида ҳам Ўзбекистон тарихига бағишланган катта кўрғазма ташкил қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Яқин кунлар ичида Интернет тармоғида Ўзбекистон Вебмузейи яратилиб, унга республикадаги энг машҳур осори атиқаларнинг суратлари жойлаштирилиб, улар ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилади. Шу йўл билан



Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш билдирган халқаро мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

# ВАТАН ШАЪНИ МУҚАДДАС

Тақдимот

**Мархум шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари халқ оғзаки ижоди каби оммалашининг сири бизнингча, ҳеч шубҳасиз, унинг ижоди баландпарвозликдан ҳоли, саърларида жайдариллик ва самимият мужассамлигида эди. «Юртим, сени ҳеч бир таъмаларсиз севаман» деган эди шоир шундай саърларидан бирида.**

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД**

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, талаба:**

БУЛАРНИ эслашдан мурод шуки, бугунги авлод ҳам, кекса авлод ҳам кўнгилга яқин самимий лутфларга эҳтиёж сезади. Кузатаётган бўлсангиз, ана шу бобомерос аъналарга содиқ ҳолда иш тутаётган адабиёт ва санъат намояндalари ҳамиша муҳлислар ардоғида.

Пойтахтимиздаги «Киночилар

— Фильм ижодкорларини томошабин, айниқса, ҳали тасавури мусаффо ёшларнинг онгига ватанпарварлик, дўстлик ва бегубор муҳаббат туйғуларини сингдириш нияти билан хайрли бир иш бошлаганлари учун қутламоқ керак. Айниқса, ушбу гўзал туйғуларнинг ота-онадан фарзан-



уи»да намойиш этилган «Қасамёд» фильмининг тақдимида иштирок этиб, унинг ижодкорлари ва томошабинлари билан суҳбатлашиб, дилимдан ана шу мулоҳазаларни кечирдим. Фильмнинг сценарий муаллифи, кинорежиссёр Музроб Боймуҳаммедов ва бошқа жонкуяр ижодкорларни эзгуният ила хайрли ишга қўл уришгани билан қутламоқ керак. Фильм сценарийси яхши ғоя—ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган. Умрини юрт мудофасига бағишлаган ва ана шу шарафли йўлда шахид бўлган отанинг жасади устида унинг давомчиси бўлмиш ўғли «Сиз учун қасос оламан!» деб қасамёд қилади.

Болалигидан юксак орзулар оғушида яшаган софдил қаҳрамон — Азамат Ватан химоячиларининг мактаб-интернатида таҳсил олади. Киноижодкорлар фильмидаги ҳар бир қаҳрамон образини бир-бирига ўхшамайдиган тимсоллар билан яратишгани муҳлисини қувонтиради, албатта. Дейлик, фильм қаҳрамони кинотеатр кассаси олдида безорилар билан беаёв мушталлашиб, жароҳат олганида жонига оро кириб, ўзини ўлим чангалидан қутқарган Азизбекни севган қизи Шириндан рашк қилиб, ўз халоскорига кўрсумола қилиши, гарчи бироз ошириб юборган бўлса-да, ориятли, иззат-нафсли томошабинда хайрихоҳлик уйғотади. Чинакам ор-номусли йигит аслида ҳам шундай бўлиши керак.

дларга бебаҳо меросда ўтишини экранда акс эттириш энгил иш эмас...

**Маъбуда ЮНУСОВА, журналист:**

— Асар сюжети жуда долзарб мавзу асосига қурилган. Фильмни суратга олишда ҳам юксак технологиялардан фойдаланилгани шундоқ кўриниб турибди. Лекин, барибир, менинг назаримда, сценарий устида жиддийроқ ишланиши керак экан. Чунки ҳақиқий ўзбекона миллий рух, одамларимизнинг феъл-атвори, урф-одатларимиз талқинида сохталиклар мавжуд...

**Иzzатулла САЙИДЖАБОРОВ, «Ўзбекино» Миллий агентлигининг 5-студияси раҳбари:**

— «Қасамёд» бадий фильми менга маъқул бўлди. Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда мана шундай киноларнинг аҳамияти катта. Мен тақдимот маросимидан сўнг Музроб Боймуҳаммедовни самимий қутладим. Баъзи бир нуқсонларига келсак, уларнинг бўлиши табиий. Негаки, айрим эпизодларни тажрибасиз ёш актёрлар ижро этишган.

Фильм тақдимида бир тоифа муҳлисларда ижобий таассурот қолдирган бўлса, баъзи томошабинларда эътирозлар ҳам уйғотди. Биз унга алоҳида урғу бермадик. Чунки энг холис ҳакам — вақтдир. Қолаверса, миллионлаб телетомошабинларнинг фикр-мулоҳазалари ҳали кўп бора айтилади.

**Мамлакат ташқи ишлар  
вазирлиги АҚШ давлат  
департаменти томонидан  
Ўзбекистонни «диний эркинликни  
таъминлаш борасида жиддий  
ташвиш уйғотаётган давлатлар»  
деб аталмиш рўйхатга қўшганлиги  
муносабати билан Баёнот берди.**

# ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК ҲУКМ СУРГАН ЮРТДА

**барқарорлик ва осойишталик кундалик ҳаёт тарзидир**

**Холис МИРЗО**

НОЯБРНИНГ сўнги кунларидаги илк совуқлар қиш дарагини бермоқда. Бир жиҳати қизиқ, Ўзбекистонда йил фаслларидан қатъий назар доимо алоҳида ҳарорат мавжуд. Бу термометр устундаги ҳарорат эмас, балки ўзаро инсоний муносабатлар илқидир. Тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган бир пайтда Ўзбекистон шаънига ташқаридан билдирилётган айрим бўҳтонлар, айниқса, толерантлик-бағрикенглик сиёсатини таъминлаш бўйича шарҳлар фирт беъманилик бўлиб кўринмоқда.

Мазкур ҳолат республикамиз кенг жамоатчилиги томонидан тушуниб бўлмайдиган ҳаракат сифатида кутиб олинди ва у яна бир бор диний эркинлик ҳамда диний эътиқод каби долзарб ма-

салаларда бир томонлама ёндашув ва "икки хил стандартларни" намоён этади. Миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенглик ва толерантликни уйғунлаштириш сиёсатини олиб бориш мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш шартларидан биридир. Этник гуруҳлар ҳуқуқлари юридик мақомга эга бўлиб, республика Конституцияси билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг бундай позицияси муносабати билан берган Баёноти юзасидан Тошкент Ислам университетида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакат раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур олийгоҳ жамоасининг биринчилардан бўлиб фикр билдиргани ажабланарли эмас. Бу Марказий Осиёда ягона бўлган ва бутун ўқув дастури юқори малакали, шу жумладан, диншунослик соҳасида етуқ мутахассислар тайёрлашга қаратилган илм масканидир.

Тарих фанлари док-



**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ АҚШ  
ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ БАЁНОТИНИ  
АССОСИЗ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ**

тори Убайдулла Уватов журналистларга берган интервьюсида АҚШ давлат департаменти Ўзбекистонни бундай рўйхатга қўшганлигини билиб, ҳайрон қолганлигини айтди. Зеро, юртимизда мустақиллик йилларида эътиқод ва диний эркинликларни қарор топтиришда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Шунинг учун АҚШ давлат департаментининг баёноти мутлақо асоссиздир.

Мазкур университет талабаси Дилфуза Сайфиева бу масалада ўз сабоқдошлари норозиликни қўйидагича баён этди: "Биз талабалар бу Баёнотга нисбатан муносабат билдирмай туролмадик. Чунки, АҚШ давлат департаменти бўҳтонлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Бунга Ўзбекистондаги бутун ҳаёт, мамлакатимизда ҳукм сураётган бағрикенглик, барча масала-

ларда тотувлик тасдиқдир. Бевоқиф бизнинг университетда дунё динларини ўрганиш учун жуда кўп вақт ажратилган. Бу талабаларимизга келгусида чуқур ва объектив билим олиш ва бағрикенглик аъёнларини давом эттиришларига имконият беради"

Бу гапларни тасдиқлаш учун кўп изланишнинг ҳождати йўқ. Кундалик ҳаёт, бағрикенглик ҳақиқати кўркам масжид ва черков биноларида, умумхалқ шодияналарини нишонлашда ва яқдиллик билан тинчликка интилишда ҳар бир дақиқада намоён бўлмоқда. Заминимизда тинчлик ва тотувликни нималар асраётганлиги тўғрисида гап борганда, барча давлат сиёсати устуворликларини асосий омил сифатида кўрсатади.

"Каффон Шоший" масжидининг имом-ха-

тиби Фозил қори Собиров шундай дейди: "Биз мусулмонлар бошқа дин вакиллари билан яхши қўшничиликда яшаймиз. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз. Афсуски, доим барқарорлик, тотувлик, гуллаб-яшнашликни кўра олмайди-ганлар топилади. Мамлакатимиз шаънига шундай тўхмат қилаётганларнинг ўзлари келиб ҳақиқатни кўрсинлар. Тинчлик ва тотувлик бу ерда оддий суз эмас, балки кундалик ҳаёт тарзидир".

Мусулмонлар диндорларнинг кўпчилигини ташкил этади. Лекин сон жиҳатдан устунлик — бу нисбийдир. Динлараро мулоқот муҳитини бу белгиламайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 16 та диний конфессия мавжуд. Диний ташкилотлар сони тобора ошиб бормоқда. Фақатгина шу йил бошидан буён уларнинг сони 36 тага кўпайди. Дин ишлари бўйича кўмита маълумотларига кўра, республикамизда ҳозир расман 2200 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улар деярли барча дин ва конфессияларни ифода этадилар. Бу, очигини айтганда, Ўзбекистон шаънига билдирилаётган баъзи баёнотларни тўла маънода инкор этади.

Ўзбекистонда 1999 йилдан буён яшовчи Жанубий Кореялик Ян Ки Фуннинг айтишича, бу ерда у руҳий осойишталик ва эркинликка эга бўлди, буддавийлик таълимотига кўра эса, бундай уйғунлик энг катта бахтдир. Айни пайтда, ўзбек заминиди буддавий ниятлари билан мақсади тўғрисида кўп нарса айтиб бериши мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, муқаддас суралар оҳанги ва кўнгираклар жаранги ҳам буни бот-бот эслатиб туради.

**Дунёнинг ишлари қизиқ. Ҳар кунни кутилмаган воқеалар рўй беради ва ажабтовур янгиликлар қулоққа чалинади. Таажжубки, юртимиздан минглаб чақирим олимдаги айрим сиёсий кучлар «Ўзбекистонда фуқароларнинг диний эътиқоди камситилмоқда» деган хулосага келишида.**

**Қодир Жўраев,  
сиёсий фанлар  
номзоди**

Ё, АЛҲАЗАР! Бундай куракда турмайди-ган гапни айтганларнинг ўзлари лоақал диний илмлардан хабардормикан? Чунки диндан хабари бор, Ўзбекистонда диндорларга яратилган шарт-шароитлар билан таниш бўлган одам ҳеч қачон юқоридагидек хулоса чиқармайдик.

Бугун мамлакатимизда Ислам дини билан бирга 16 та диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Республикада фуқароларнинг миллий, ирқий, ижтимоий келиб чиқишларидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги 8 декабрда 14 йиллиги кенг нишонланиш арафасида турган Конституцияда тўла қафолланган. Бунди дёригимизга очиб қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон эътироф этмоқда.

Маълумки, 2000 йилда Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг динлараро бағрикенглик бўйича бўлиб ўтган халқаро конгресси Ўзбекистонда диний бағрикенглик борасида амалга оширилётган саъй-ҳаракатларни қизгин қўллаб-қувватлаган эди. Шу билан бирга, мазкур конгрессда мамлакатимизда қарор топган диний бағрикенглик тажрибаси бошқа мамлакатлар томонидан қабул қилиниши мумкинлиги алоҳида таъкидланганди. Шу йилнинг октябрда пойтахтимизда «Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамиятини шакллантиришда Ислам дини, урф-одатлар ва аъёнларнинг ўрни ва роли» мавзусида бўлиб ўтган халқаро анжуман иштирокчилари ҳам ушбу гоёни қизгин қўллаб-қувватлашди.

Юртимизда диний бағрикенгликнинг шаклланиши қадим даврларга бориб тақалади. Манбаларда

**Кўрғазма**

**Ўзбекистон миллий  
банкнинг Тасвирий санъат  
галереясида «Ўзбекистон  
Марказий Осиё юрагида» мавзусида  
фотокўрғазманинг навбатдаги  
очиши маросими бўлиб ўтди.**

**Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА**

УШБУ кўрғазмани Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Экономический обозрение» журнали таҳририяти ҳамкорликда ташкил этди. Маълумки, қадимдан Марказий Осиё Европа ва Шарқий Осиё ўртасида кўприк вазифасини ўтаган.

Фотокўрғазмада мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия, Болгария, Чехия, Эрон ва бошқа

кўплаб давлатлар хаваскор фотосуратчиларининг муаллифлик ишлари, шунингдек, мамлакатимизнинг гўзал ва бетакрор Фарғона водийси, ўзбек миллий таомлари, кийимлари, миллий спорт турлари, бетакрор фаслларимиз манзаралари, диёримизда қад ростилаган биноларнинг ўзгача чиройи, «Ассалом Наврўз» каби кўплаб ўзбек миллий урф-одати, аъёнлари ва маданиятини акс эттирувчи фотосуратлар кенг намоиш этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЮРАГИДА



таъкидланишича, диёримизда Ислом динидан олдин зардушт, яхудий, насроний, будда каби динлар мавжуд бўлган ва улар ўртасида ҳамжиҳатлик қарор топган.

Қайд этиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Виждон эркинлиги ҳуқуқи (31-модда), диний ташкилотлар ташкил қилиш ва уларга кириш ҳуқуқи (34,56,58-моддалар) каби масалалар ўз ифодасини топган. Шу билан бир-

ватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонданинг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади-лар».

Мамлакатимизда барча динларга бирдек шароитлар яратилган. Ҳар йили бошқа дин-

раз гуманитар ёрдам» кўрсатиш баҳонасида христиан динидаги протестантизм йўналишини кенг ёйишга уриниб келган.

АҚШнинг «Global Involvement through Education» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳам инглиз ва корей тилларида ўргатиш, компьютер саводхонлигини ошириш баҳонасида республика-миздаги қатор лицей ва коллежларда рухсат этилмаган миссионерлик фаолияти билан

# «ҲАМИЯТ ГАПИРСАНГ ҲАМ...»

га, Конституциямиз динлараро ниёқни тарғиб этувчи диний бирлашмалар ва диний-сиёсий партиялар ташкил этишни таъқиқлайди.

Конституциянинг 61-моддасида яна бир муҳим демократик қоида акс этган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотлар фаолиятига аралашмайди». Демак, диний ташкилотлар ўз фаолиятида эркин бўлиб, ички масалаларини мустақил ҳал қилади.

Конституциявий метёрларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш механизми 1998 йилда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда янада мустаҳкамланди. Ушбу қонун мазкур соҳада шаклланаётган ижтимоий муносабатларни мохиятан янада қисқичга олиб чиқувчи муҳим ҳуқуқий асосдир.

Қонуннинг 5-моддасида келтирилган қоида бағрикенглик тамойилини равшан ифода-лайди: «Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига қўмақлашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қув-

ларнинг юздан зиёд вакиллари Исроил, Греция ва Россиядаги диний зиёратгоҳларга сафар уюштиради, умуман, хорижга эътиқодий зиёратга йўл олувчилар учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланади.

Дарвоқе, республика-мизда исломий муҳим саналар билан бирга бошқа конфессияларнинг диний аҳамиятга эга тadbирлари ҳам кенг нишонланади. Хусусан, 1996 йилнинг ноябрида Рус Православ церкви Ташкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги, 1996 йилнинг декабрида эса Марказий Осиёда ягона Евангелъ-лютеранлар жамоасининг 100 йиллиги шундай нишонланган эди. 1995 йилда ўтказилган «Бир само остида» халқаро христиан-мусулмон анжумани ҳам кўпчиликнинг ёдида.

Умуман айтганда, мамлакатимизда йўлга қўйилган конфессиялараро конструктив мулоқот, давлат институтлари ва диний ташкилотлар ўртасида тобора ривожланаётган ҳамкорлик диний бағрикенгликнинг ёркин намунаси-дир.

Айрим хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлар «гуманитар ёрдам» баҳонасида умумбашарий қадриятларга ва халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига буткул ёт бўлган диний-маънавий унсурларни тиклаштиришга уринишаётгани сир эмас. Бузғунчиликни кўзлаган мазкур саъй-ҳаракатларнинг аксариятини миссионерлик фаолияти ташкил этади.

Масалан, «CAFE» деб номланган нодавлат нотижорат ташкилоти ходимлари «бега-

шугулланган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ шуниси аёнки, Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракати ўз мақсадига эриша олмай, қаттиқ мағлубиятга учради.

Ўзбекистон каби мустақил ривожланаётган мамлакатларни турли-туман «қора рўйхатлар»га қўшаётган АҚШнинг ўзида диний эркинлик ниқоби остида рўй бераётган кингирликларни ҳам унутмаслик жоиз. Хусусан, бир-икки йил олдин АҚШда католик руҳонийлари томонидан содир этилган бесоқол-бозлик ҳолатлари дунёда қандай шов-шувга сабаб бўлгани бизга маълум.

АҚШда диний эркинликлар мониторинги билан шугулланувчи Миллий Кенгаш эълон қилган ҳисоботда таъкидланишича, 4393 нафар черков руҳонийси бесоқол-бозликда айбланган ёки шубҳаланган. Фарбага айрим мамлакатларда черков хизматчиларининг бир хил жинсда бўла туриб, турмуш қуриш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай иллатлар дастидан одамлар христиан черковларини тобора кўпроқ тарк этишмоқда. «Баччабоз» руҳонийлар ва бошқа иллатлар таъсирида черковлар мавқеига путур етмоқда.

Шу ўринда беихтиёр «Аввал ўзинга бок, кейин ногора қоқ» деган нақл эсга тушади. Лекин мамлакатимиздаги диний аҳвол тўғрисида фикс-фасод ва уйдирмаларни тарқатаётганларга жавобан бошқа гапимиз бор: «ҲАМИЯТ ГАПИРСАНГИЗ ҲАМ ҲАМИЯТ ГАПИРСАНГИЗ, ЖАНОБЛАР!»

# ЎРГИМЧАКНИНГ ТЎРИ ЗАИФ

*Муборак Рамазон ойи билан хайрлашганимизга ҳали унча кўп бўлмади. Қалбларимизда, руҳиятимизда рўза ҳайитининг файзи, қувончлари сўниб улургани йўқ. Шу кунларда ҳожиларимиз муборак ҳаж сафарига тайёргарлик кўришяпти. Демак, яна бир байрам — Курбон ҳайити ҳам яқин. Лекин бундан ҳам олдинроқ мустақил юртимизнинг бош Қомуси — Конституциямиз қабул қилинган кунни нишонлаймиз. Конституциямизда ҳар бир фуқаронинг диний эътиқод эркинлиги кафолатланган.*

Абдул ҳожи ЖАЛИЛ,

«Хидоят» журнали бош муҳаррири  
ўринбосари

МУБОРАК ҳайитлар барча юрдошларимизнинг умумхалқ байрамларидир. Аслида мусулмончиликнинг энг улугъ фазилатларидан бири ҳам қайси халқ, қайси динга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир инсонга Аллоҳ муқаррам қилган зот сифатида ҳурмат-эътибор билан қарашдир. Ватанимизда ҳукм сураётган барқарорлик туфайли миллатлараро аҳиллик, диний бағрикенглик ҳам ривож топиб, мустаҳкамланиб бораёпти.

Хўш, унда АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистонни «диний эркинликни таъминлаш борасида ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритганини қандай тушуниш, қандай баҳолаш керак? Авваламбор, республика ташқи ишлар вазирлиги баёнотида тўғри баҳоланганидек, бу мустақил давлатимиз ички ишларига аралашмиш эканини таъкидламоқчиман.

Бундай ғаразли рўйхат тузишдан, унга Ўзбекистонни ҳам киритишдан қандай мақсадлар кўзланган бўлиши мумкин?

Ҳаммага маълумки, Афғонистон ва Ироққа тажовузи бугун у ерларда юритаётган сиёсати туфайли бутун дунёда АҚШ ҳукуматининг обрўи тушиб кетди. Бу ҳолни америкаликларнинг ўзлари ҳам эътироф этишяпти. АҚШ давлат департаменти бундай ғаразли рўйхатни тузиб, ўз сиёсатининг аянчи натижаларини хаспўшламоқчи, афкор омма ва жамоатчилик фикрини чалғитмоқчи бўлаётгани аниқ.

Иккинчидан, ҳозир бутун оламда мусулмонлар сони ортиб, Ислом дини тарафдорлари сафи кенгайиб бормоқда. Одамлар динимизнинг асл мохиятини англаб, энг тўғри эътиқод йўлини танлашяпти. Хуллас, кишилик ҳаётида Ислом омили кун сайин кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Қадимдан исломий ақида бешикларидан бири сифатида Ўзбекистоннинг бу жараёнда муҳим ўрин тутиши табиий ҳолдир. Бизнингча, АҚШ Давлат

департаменти юртимизни ғаразли рўйхатга киритиш билан Ўзбекистонда Ислом динининг, динлараро бағрикенгликнинг бугунги ривожига ҳаҳон афкор оммаси онгида шубҳа уйғотмоқчи. Шу боис буни «Ислом билан кўрkitиш» — исломобиянинг бир кўриниши, десак тўғри бўлади.


Учинчидан, катта давлатларнинг ҳар хил кучлар, масалан, миссионерлар ёки Ислом дини номини ниқоб олган баъзи тойифалар фаолиятини рағбатлантириш орқали бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашуви ҳаммага маълум. Шукрки, мустақил юртимизда бундай ғаламис кучлар фаолиятига қарши қонуний асосда кураш олиб борилаёпти. Айниқса, кейинги йилларда миссионер ташкилотларнинг юртимизда «ишлашдан» иштаҳалари қайтиқираб қолгани сир эмас. Республика ташқи ишлар вазирлиги баёнотида бунга тўғри ургу берилган. Хуллас, департаментнинг юртимиз шаънига «тош отиши» айрим миссионер ташкилотлар норозилигининг акс-садоси экани асло эҳтимолдан йироқ эмас.

Сўзимини Шайх Фаридууддин Атторнинг «Мантикут тайр» асаридан бир парча келтириш билан якунламоқчиман. Шайх ўргимчак ҳақида ёзадилар:

Ул хаёл айлаб,  
узоқни ўйлагай,  
Ин қуриб, бурчакда  
ўзни шайлагай.  
... Домига гар пашша тушса  
бир кун,  
Конини сўргай ҳамон,  
қўймас уни.  
Чун қуритгай,  
дардига эм айлагай,  
Неча муддат  
ўзига ем айлагай.  
Лек келур уй соҳиби ҳам  
бир замон,  
Тўр-тузоқларни супургай  
беомон.

Хуллас, ўргимчак отган тўрлар заиф. Ўзлигини англаган, мустақиллик неъматининг қадрига етган юрдошларимиз бундай алдовларга учмайди. Барча замонлар соҳиби Аллоҳ бу тўр-тузоқларни ўзи истаганидек маҳв этиши шубҳасиз.

**Ўзбекистон турли дин вакиллари биргаликда, ўзаро ҳурматда тинч-тотув яшашнинг намунаси ҳисобланади. Бу ерда барча ижтимоий даражаларда православлар ва мусулмонлар орасида жуда яхши муносабатлар мавжуд. Турли диний қарашларга қарамай, биргаликда яшаш жараёнида православ ва мусулмон жамоалари ўзаро ҳурмат, диний бағрикенглик ва дўстлик асосида яшаш принципларини ишлаб чиқдилар ва бу борада бой тажриба орттирдилар.**



Андрей ТУГУШЕВ,

Рус Православ Черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси Епархия бошқармасининг котиби

Бундай ҳолатнинг вужудга келиши сабаблари бир нечта: Ўрта Осиёга православ дини тарихан тинч йўл билан кириб келди. Ўтмишда совет ҳокимияти вақтида конфессиялардан қатъий назар, барча динлар ва диндорлар тазйиқ остига олинди.

Динлараро муносабатлар яхши шаклланишида конфессиялар раҳбарларининг роли шубҳасиз, катта. Уларнинг одилона ва ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсати барқарорликни ушлаб туради, ҳар қандай диний экстремизмнинг олдини олади. Бунда Ўзбекистон ҳукумати, биринчи навбатда, Ўзбекистон республикаси Президенти

анавий бўлган диний конфессиялар эҳтиёжларини тушуниб, ҳисобга олади.

Православие бу ўлкага галаба қозongan босқинчилар дини сифатида кириб келгани йўқ, балки кўчиб келганларни (сурғун қилинганларни) руҳан озиклантириш учун кириб келди. Бу камбағал мусофирларга мусулмонлар катта муруват билан муносабатда бўлдилар.

Рус кишилари бу ўлкада яшар эканлар жоноҳон православие динини унутмадилар. Бу ерда жойлашиб олганларидан кейин уларнинг биринчи ташвиши – ибодатхона қуриш бўлди. Бунда ҳам саҳий мусулмонлар ёрдам беришди. Туркистондаги учта ибодатхона бутунлай мусулмон ҳомийлар ҳисобидан қурилди. Ҳозиргача сақланган ва монастырга айланган Чирчикдаги Георгий ибодатхонаси қурилишига маблағни маҳаллий аҳоли берган. Самарқанд Алексеев соборининг қурилишига маблағ берганлар рўйхатида савдогар мусулмон Олимбеков кўрсатилган.

Туркистон мусулмонлари ва христианлари

рус болаларга - православие руҳонийлари дарс бердилар.

XIX асрдаёқ Ўрта Осиёда мусулмонлар ва христианларнинг дўстона алоқалари қарор топди. Бу алоқаларни бирга кечирилган азоблар янада мустаҳкамлади. Большевик-дахрийлар Православие ва Исламни бир хил тазйиққа олдилар. Шақоқлар ибодатхоналарни портлатдилар, масжидларга ўт кўйдилар. Шафқатсиз дахрийлардан азият чеккан мусулмонлар ва христианлар бир-бирларига ёрдам бериб,



ҳамдард бўлдилар.

Бир ярим асрлик синоддан ўтган Ислам ва Православие ҳамкорлиги бугунги кунда янада ривожланмоқда. Биз биргаликда гуноҳга, қонунсизликка қаршимиз, ҳудожўйлари динларимиз ахлоқий идеаллари – ҳалол-покизалик, эзгулик, катталарга ҳурмат кичикларга иззат, адолат ва меҳнатсеварликда тарбиялаш масалаларида биргамиз. Биз хайрия ва муруват ишлари, етим-есир ва беморларга ёрдам беришда биргамиз. Биз дах-

рийлар тузуми оғир меросини енгиб ўтиш, вайрон қилинган маънавий қадриятларни тиклашда биргамиз. Ўрта Осиёнинг барча чеккаларида масжид ва мадраса, ибодатхона ва монастырлар очилиши ҳаммамизни хурсанд қилмоқда. Бизнинг дўстлигимизни барча даражада кўриш мумкин: мусулмон усталарини православие ибодатхонала-

Митри бу ердаги мавжуд православие-мусулмонлар ҳамкорлигини "бутун жаҳон ўрганиши учун намуна" деб айтди.

Тан олиш керак, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Рус Православ Черкови ахволида кўп ўзгаришлар рўй берди. Ўрта Осиёда православие ибодатхоналари сони советлар вақтидагига нисбатан, деярли икки

рилли. Бу – давлат лицензиясига эга бўлган олий билим юртидир. У нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё мамлакатлари – Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон учун ҳам руҳонийлар тайёрлайди. Бу ерда фақатгина маросимларни ижро этувчилар эмас, балки юқори маълумотли маърифатчи руҳонийлар тайёрланади. Шунинг қайд этиш керакки, Чор Россияси даврида Туркистонда православие руҳоний билим юртли бўлмаган. Шунинг учун Тошкент Руҳонийлар Семинарийсини мавжудлиги бизнинг жамиятда демократия ва диний бағрикенгликнинг яна бир тасдиғидир.


Бугун Руҳоний-Маъмурий марказ қурилиши жадал бормоқда. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё православие руҳий ҳаётининг маркази бўлади.

Мамлакатимиздаги православие динидигиларнинг кўпчилиги руслар, украинлар, грек ва бошқа миллат вакиллари. Улар тақдир тақозоси билан советлар даврида Ўзбекистонда истиқомат қилдилар ва бу меҳмондўст заминда ўзларининг ҳақиқий ватанларини топдилар.

Турли дин ва диний конфессиялар бирга тинч-тотув яшаш учун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунида тегишли асослар яратилган. Унда виждон эркинлиги ва дин давлатдан ажратилиши акс этган.

Бу эса, Православ Черкови назарида, мамлакатда диний арконларни эркин бажариш учун энг яхши шароитдир.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

**Бугунги кунда сиёсий партиялар Ўзбекистоннинг ҳар томонлама равноқ топиши, мамлакатда демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнини чуқурлаштириш, фуқароларнинг турмуш даражаси ва мамлакатнинг халқаро обрў-эътибори ўсишидан, тинч ва барқарор ҳаёт сақланиб туришидан манфаатдор бўлган куч сифатида мамлакат сиёсий майдонида яққол намоён бўлаяпти. Ҳўш, бу жараён партия нашрларида ўз аксини топяптими? Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан "Марказий" меҳмонхонада ташкил этилган сиёсий ўқитилар давомида партия нашрлари ана шу нуқтаи назардан кенг таҳлил қилинди.**

Тўлқин ЭШБЕКОВ,  
Гулжаҳон ЖАББОРОВА

ТАҲЛИЛЛАР шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ортиқча мақтов, сунъий гапларга муҳтож эмас. Унинг сиёсий қиёфасини яратиш учун партия нашри — "Ўзбекистон овози" ва "Голос Ўзбекистана" газеталари бор ҳақиқатни, яъни партия фаоллари, фидойилари амалга ошираётган ишларни холисона ёритса бас.



Партия фаолиятини қайси нуқтаи назардан ёритиш унинг сиёсий қиёфасини оширишга хизмат қилади? Бунинг учун Халқ демократик партияси Дастурида баён қилинган гоёллар, мақсадлар, режаларни амалга ошириш борасида партия фаоллари амалга ошираётган ишларни изчил ёритиб бориш керак, холос. Мисол учун газетанинг 18 ноябр сонида Даврон Бахроновнинг "ЎзХДП жамоатчилик қабулхоналарида" руқни остидаги "Ишсиз эдим..." мақоласини олайлик. Мақола ҳажман кичик бўлса-да, партиянинг катта кўмагини кўрсатиб бера олган. Бироқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Таҳлиллар давомида мазкур нашрларга айрим масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш; партия етакчилари чиқишлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига кенг ўрин бериш; сўй йўналишдаги халқаро тажрибаларни ёритиш каби қатор таклифлар билдирилди.

Ҳар қандай сиёсий партия ўз мафқурасини оммага тарғибот-ташвиқот қилиши табиий. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ЎзЛиДеП нашри "XXI аср" газетаси бу борада муайян вазифаларни амалга оширмоқда.

Мазкур партия мамлакатимизда мулкдорлар қатламнинг мавжудлиги

# СИЁСИЙ ПАРТИЯ НАШРИ

У ўз таъсисчисининг сиёсий қиёфасини ярата олаётими?

жамиятда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашга хизмат қилади деб билади. Айниқса, бунда хусусий мулкчилик етакчи ўрин тутган кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш муҳим ўрин тутди. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Мухаммадюсуф Тешабоев мазкур газетадаги "Сўз ва иш уйғунлиги—тараққиёт кафолатидир" мақоласида партиянинг босиб ўтган йўли, сиёсий партия Дастури ва Низомларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўқувчига кенг маълумот берган.



Шуни айтиш керакки, сиёсий қиёфа яратишда сунъий, ясама ёки ортиқча дабдабали гапларга ҳожат йўқ. Негаки, одамлар, кенг жамоатчилик ҳаммасини кўриб турибди. Демак, бирор сиёсий партия фаолияти ҳақида матбуотда ясама гап айтилса, бу унинг обрўсини тўқади, холос. "XXI аср" газетасидаги деярли ҳар бир мақолада ЎзЛиДеП «тамға» сига кўзингиз тушади. Мазкур «тамға» кўйилмаса, газетанинг партия ҳақидаги қарашлари ўзгариб қолармикан, дея ўйлаб қоласан. Таҳлил давомида таҳририят ходимлари га куйидаги таклифлар билдирилди: газета даврийлигини ошириш; сиёсий таълим маркази фаолиятини ёритишни ку-

**ФАОЛЛАРНИНГ ДАЛАГА БОРИШИ ЭЪТИБОРГА МОЛИК ИШДИР, АММО БУ КАТТА ЯНГИЛИК ЭМАС. УНИ ХАБАР ТАРЗИДА ЁРИТИШГА ҲОЖАТ ҲАМ ЙЎҚ, МАДОМИКИ, ЁРИТИШГА ҲАЖМ ҚИЛИНДИМИ, УНИНГ МОҲИЯТИНИ КЎРСАТИШ КЕРАК.**

чайтириш; депутатлар фаолиятини кенг ёритиш; газета фаолияти юзасидан йил охирида сўровномалар ўтказиш; халқаро ҳаёт саҳифасида хориждаги фермерлар фаолиятини ёритиш; тadbirkorлар ва фермерлар учун ҳуқуқий маълумотлар беришни кучайтириш; газетанинг веб сайти фаолиятини такомиллаштириш.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий эътибори миллий манфаатлар заминида ташкил этиладиган кучли давлат ва адолатли жамиятни барпо этишга қаратилган.

Демак, ана шу дастурий вазифаларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар «Миллий тикланиш» газетасида атрофича ёритилаётган бўлса, журналистлар партиянинг сиёсий қиёфасини яратиш борасида катта ва хайрли ишнинг уddасидан чиқаётган ҳисобланади.

Очигини айтиш керак, «Миллий тикланиш» газетаси ўзига яраша мав-



жега эга бўлган нашр. Гарчи унинг адади бугунги кунда 2108 нусхада бўлса-да, мухлислар

эътибор билан кузатиб борадилар. Газета аллақачон ўз шаклу шамойилини топган, ўзига яраша йўналиши, мавзулари бор. Партия сиёсий қиёфасини яратишга ва нуфузини оширишга хизмат қиладиган мақолалар, суҳбатлар ҳам та-

олис тумандаги ширкат хўжалигига боргани ҳақида. Партия фаолларининг бу ишлари ҳақида кенгрок, батафсилроқ ёритиш лозим эди.

Бир гуруҳ фаолларнинг далага бориши эътиборга молик ишдир, аммо бу катта янгилик эмас. Уни хабар тарзида ёритишга ҳожат ҳам йўқ. Мадомики, ёритишга ҳажм қилинми, унинг моҳиятини кўрсатиш керак. Шундагина журналист ўз партияси фаолларининг хайрли ишларини, саъй-ҳаракатларини тўлақонли ёритган ҳисобланади. Бу эса, ўз-ўзидан партия сиёсий қиёфасини оширишга хизмат қилади.

"Адолат" СДП нашри "Адолат" газетасида ҳам ютуқлар билан бирга талай камчиликлар

маяпти. Шунингдек, таҳририятта партиялар тарихи ҳақидаги туркум мақолаларни кўпайтириш; вилоят мухбирлари фаоллигини ошириш масалалари юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

«Фидокорлар» миллий демократик партияси нашри "Фидокор" газетаси ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратаётгани, шунингдек, спортга аҳамият бераётгани 1-сахифаданок кўзга ташланади. Газета фаолиятини янада яхшилаш юзасидан мақолаларда бунёдкорлик руҳини ривожлантириш; жойлардаги Кенгашлар қошида матбуот хизматлари ташкил қилиш; мавзулар доирасини кенгайтириш; газетанинг электрон версиясини рус тилида яратиш; таҳририят моддий



тазам ёритиб борилади. Камчилиги вилоятлардаги партия ташкилотлари томонидан ўтказилган тadbirkorлар изчил ёритил-

техника базасини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди грантларини ютиб олишга ҳаракат қилиш каби таклифлар билдирилди.

Таҳлилий йиғилиш давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, тавсиялар юзасидан партия нашрлари муҳаррирлари тегишли тadbirkorлар белгила олдилар.

## ТАДБИР

### АЁЛНИ УЛУГЛАШ — ШАРАФ

**Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги фаоллигини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтаришни давр талаб этмоқда.**

Шоҳида БОНУ

АЁЛЛАРНИНГ демократик жараёнлардаги фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлмоқда? Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини кенгайтиришда партиянинг амалий ишлари қандай кечмоқда? Мана шу каби бир қатор саволлар ечимини топиш мақсадида ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси "Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш" бўлими Паркент туманида "Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда хотин-қизларнинг ўрни" мавзусида тadbirkor ўтказди.

Тadbirkorда аёллар ўртасида

маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, бандлик масалаларига оид муаммоларни ечиш, оналар ва болалар саломатлиги ҳамда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини оширишга, шунингдек, хотин-қизларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мавзулар ўрин олди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, Паркент туманидаги корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар ишлари бўйича маслаҳатчилар, коллеж ва лицейларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.



бига мос келиши билан бирга ахлоқий тарбия қонунарига ҳам бўйсунуши керак...

Мақолани тайёрлаш жараёнида ўқувчиларни қузатдик, ота-оналар билан фикр алмашдик, ўқитувчилар мулоҳазаси билан қизиқдик, психологлар маслаҳатини олдик, уларнинг қарашларини таҳлил қилишга уриндик.

Уларнинг яқдил фикрлари шуки, айнан тақлидга мойил ёшларда бу дафтарлардаги суратлар таъсири кучли сезилади. Шундай экан, биз болаларни бу таъсирлардан ҳимоя қилишимиз керак.

Тўлқин ХАЙИТ,  
«Ўзбекистон» нашриёт  
матбаа ижодий уйи етакчи  
муҳаррири:

— Менинг назаримда бу муаммонинг ечими ўнчалик мушкул эмас. Чунки ўзимизда ҳам жаҳон талабларига жавоб берадиган ўқув дафтарлари ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ четдан келтирилаётган турли беҳаё суратлар акс этган дафтарлар тайёр маҳсулот ҳисобланиб, улар анча арзон. Дафтарбоп хом-ашё келтириб, тарихий обидаларимиз, жаннатмонанд қадамжолар тасвирларини тушириб ўқув қуроллари ишлаб чиқариш таннари эса ҳозир бироз қимматга тушмоқда.

Айнан, шу масалада тегишли имтиёзлар яратилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда нафақат ўз бозорларимизга, балки чет элга ҳам сифатли ўқув маҳсулотлари чиқариш имконияти очилади.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

МАКТАБ-таълим ва тарбия ўчоғидир. Ўқувчилар бу ерга хат-савод чиқариш, билим олиш учун келишади. Шу боис юқоридаги ҳолатларга «табиий жараён» деб қараб туришга ҳаққимиз йўқ. Ахир, эс-хуши жойида бўлган одам сел тошқинига «бу табиий офат» деб қўл қовуштириб қараб турмайди-ку?! Келаётган довул ёки сел жуда катта талофатлар етказмаслиги учун унинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилади. Тўсиқлар, говлар барпо этилади, ихотазорлар яратилади...

Бинобарин, фарзандларимизнинг ўқув қуроли бўлмиш дафтарлар ҳам, уларнинг ташқи безаги ҳам таълимга хизмат қилиши учун жон куйдиришимиз лозим.

Бу бозор эҳтиёжи экан, деб дафтарлар ноширлигини ўз ҳолига ташлаб қўйиши хунук оқибатларга олиб келиши, охир-оқибат, ота-она, маҳалла, мактаб ўқитувчиларнинг болаларимиз онгига синдираётган маънавий тарбия илдиғига болта уриши мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак. Ёшлар тарбияси ҳаммамнинг иши. Бу масъулиятли ишдан ҳеч ким ўзини четга олиши мумкин эмас. Чунки келажақ тақдирни бугун биз ёшларимизни қандай тарбиялашимизга боғлиқ.

**Ҳамма даврларда ҳам ёшлар ҳақида гап кетганида, «Улар бизнинг болалигимизга ўхшамайди, зийрак ва қув, шумликлари ҳам бор, хуллас, ёшлар фаол, пешқадам», деб айтишган. Тараққиёт билан боғлиқ ҳодиса-да, нимаям дердик?!**

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ЁШЛАР воқеликни тез илғайди, даврнинг шиддатидан ўзаман, деб ҳаёл қилади. Бу яхши, ёмон эмас. Одамлар от-аравада юриб, қора чирокда уйини ёритиб, омов ва кетмонга суянган пайтлардаги соддалик, одмиликни бугунги кишилардан излаш ноўрин. Давр ўзгарапти. Техника, тараққиёт, цивилизация ва ҳоказо. Шу билан бирга «Замон жойида, одамлар ўзгарапти», деган

**БАЪЗАН ЎЗИМИЗ ХАЛИ «СУЯГИ ҚОТМАГАН» ЁШ ИЖОДҚОРЛАРНИ КЕРАГИДАН ОРТИҚ ВА АСОССИЗ МАҚТАЙВЕРИБ, ОСМОНГА ЧИҚАРИБ ҚЎЯМИЗ.**

қарашлар ҳам бор. Бу фикрга ҳам қўшилмай, маълум маънода, ён босмай иложимиз йўқ. Хуллас, мавжуд шарт-шароит ҳам кишиларни анча «сергак» ва «хушёр» қилиб қўйиши табиий.

Бундан 15-20 йиллар аввалги ўсмирлар билан ҳозирги ўғил-қизларимизнинг руҳияти ва дунёқарашини қиёслаб бўлармикан?! Ҳар ҳолда «у пайтлар» ёшлар соддарок, вазминроқ бўлишганмикан, деган ўй кечди ҳаёлингиздан. Ҳар ҳолда болаларимизда ички бир назорат, ота-онадан яхши маънода «қўруқув», катталардан ийманиш ҳисси кучлироқ эди. Қўшниликка чиқса ҳам ота-онани воқиф қилишарди. Ҳозир-чи, катта шаҳарларга бориб, кечки сайрга чиқсангиз, тунги клублар атрофи, сайилгоҳларда ёш-яланларнинг қийчувиға гувоҳ бўласиз. Хулласи калом, ёшлик ва эркинликнинг замонга хос «шавқи» турмуш тарзимизга шиддат билан кириб келмоқда.

«Анна Каренина» ромонидаги асосий образлардан бири княгиня


Шчербицкая шундай деган эди: «Ҳозирги ёшлар ўқтам. Қаранг-а, булар ҳамма балони билишади...» Бу гап бундан юз йил олдин айтилган эди. Ҳозирги ёшлар ичида вақтни умрнинг моҳияти деб билиб изланаётганлари ҳам бор. Улар ўз истеъдоди ва изланиши билан дунёни ҳайратга солишмоқда. Бироқ ҳамма

дай «ёш ижодкор» билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг ўзига берган «бахоси»да ёши 50-60 дан ўтган чинакам истеъдодлар, элнинг ардоқли шоирлари истиҳоло қиладиган даражадаги манманлик сингиб кетганини кўриб даҳшатга тушдим.

—Ука, бу сайланма ҳам чиқибди-да! — дедим киноя билан.

## «ДАҲОЛИК» КАСАЛИ

ёки айрим ёшлар орасида учраб турадиган манманлик ва худбинлик иллатлари ҳақида



замонлардаги каби ҳаётнинг лаззати ўйин-кулгуда, деб умрнинг нурли лаҳзаларини беҳуда ўтказиб юборувчилар ҳам бор.

Яна бир тоифа ёшлар «тўда»си борки, айрим идораларнинг эшигини уриб, ёнида кимнидир етаклаб, мен фалончиман, мен шоирман деб таъма қиладилар. Худойим-ей, ижод бошқа нарса, адабиётга енгил-елпи қараб бўлмайди-ку! Бадиий хижатдан хом, сазё асарларни китоб қилиб чоп этиш маънавий жияноят-ку!

Баъзан ўзимиз хали «суяги қотмаган» ёш ижодкорларни керагидан ортиқ ва асосиз мақтайвериб осмонга чиқариб қўямиз. Яқинда шун-

— Яхшими, сизга ёқдими? — дейди «даҳо» керилиб.

— Йўқ. Сени абгор қилишибди... Сени мўрт ҳолингга синдириб қўйишибди, — дедим.

Бола тушунмади, хафа ҳам бўлмади...

Хуллас, ҳозир ёшлар ўртасида ана шундай «китоб пойгаси» авжига чиққан...

Шундай экан, биз ўз қусурларимизга замондан айб ахтармаслигимиз лозим. Тараққиётни айблаб бўлмайди. Бироқ тараққиётни гўр ва жўн нарсалардан асраш ва ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиз. Бутун жамият аъзоларининг бурчи. Шунинг унутмаслигимиз керак.

### Таширф

**Ўзбекистонга амалий таширф билан келиб кетган Хитой Халқ Республикасининг миллий масалалар бўйича Давлат қўмитаси вакили жаноб Те Муэр бошчилигидаги делегация аъзолари Республика байналмилал маданият марказида ҳам бўлиб, Марказ раҳбарияти ва қатор миллий-маданий марказлар фаоллари билан учрашди.**

Делегация аъзолари Ўзбекистонда истиқомат қиладиган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари билан миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг миллий-маданиятлари, анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак бериш ҳамда

бирлар тўғрисидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

Ўзбекистонда Хитой халқи вакиллари билан хитой, уйғур, дунган миллий-маданий марказларининг ташкил этилгани меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Хитой делегацияси бошлиғи Те Муэр миллий масалалар бўйича Хитой Халқ Республикаси Давлат қўмитаси фаолияти ҳақида йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

— Биз қадимий ва бой Ўзбекистон маданияти билан китоблар ва музей экспонатлари орқали таниш-мулоқот, ҳозир эса турли миллат вакиллари сизнинг юртингизда аҳил яшаётганини ўз кўзимиз билан кўриш имкониятига эга бўлдик, — дейишди Хитой делегацияси аъзолари.

## ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Шоҳида БОНУ

ҲОЯТ самимий ва дўстона руҳда бўлиб ўтган ушбу учрашувда Марказ директори Н. Мухаммадиев Хитой Халқ Республикасининг миллий масалалар бўйича Давлат қўмитаси қонун ҳужжатлари билан яқиндан

танишлигини, ушбу ташкилот ва РБММнинг олди-га қўйган мақсад ва вазифалари ўзаро бир-бирига яқин эканини, шунинг учун ҳам ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш ҳар икки томон учун ҳам фойдали эканини таъкидлади.

миллатлараро тотувликни мустақамлаш мақсадларида ташкил этилган РБММ фаолияти, шунингдек, мустақиллик шарофати билан тобора ривожланиб бораётган 140 дан зиёд миллий-маданий марказлар томонидан амалга оширилаётган тад-

Газетанинг олдинги сониди шу йил 14-15 ноябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси» мавзусидаги халқаро давра суҳбати иштирокчиларини хоризж ОАВларида эълон қилинган айрим фикр-мулоҳазаларини келтирган эдик. Кўйида давра иштирокчиларининг Кремль Орг. интернет сайтидаги чиқишлари билан таништиришда давом этамиз.

**Дмитрий МЕДНИКОВ,**  
Россия телерадиоси ахборот тахририяти директорининг ўринбосари:



— МЕНИНГ Ўзбекистондаги халқаро «давра суҳбат»ида қатнашиб, қилган хулосам шу бўлдики, биз Россияда туриб, Ўзбекистонда кечаётган жараёнлар тўғрисида оз библишимизни, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида яхши тасаввурга эга эмас эканлигимизни аниқладим. Бундай дзгаришлардан бири,

## ҲАР БИР МАМЛАКАТНИНГ ДЕМОКРАТИЯ САРИ ҲАЗ ЙЎЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

яқинда Президент И. Каримов томонидан мамлакат сиёсий тизимида партиялар ролини ўзгартиш тўғрисида таклиф киритилганидир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда мавжуд фуқаролик жамиятининг «маҳалла» институти ўзбек жамиятининг ўзига хос бирламчи асосидир. У ҳар бир ўзбекнинг ҳаётида катта роль ўйнайди. Албатта, анжуман бўлиб ўтган 2-3 кун ичида мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни тўла билиб олишга ундайди. Лекин бизга тадбир давомида жамиятнинг турли вакиллари: бошқарувчилар, сиёсатчилар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан гаплашиш имконияти яратиб берилди. Тажриба алмашдик, сиёсий тизим ва демократик институтлар ривожланиши жиҳатидан, Россия ва Ўзбекистондаги вазиятларни солиштириш имкониятига эга бўлдик.

**Виталий ТРЕТЬЯКОВ,**  
«Московские новости» ҳафтанома-си ва «Политический класс» журнали бош муҳаррири:



— «ДАВРА суҳбати»нинг асосий мавзулари — Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнлари, фуқаролик жамиятини қуриш масалаларига бағишланди ва бу нафақат мамлакат ички сиёсий ҳаёти нуқтаи назаридан, балки Европа иттифоқи ва АҚШнинг ушбу минтақага қаратилган сиёсатини ҳам ҳисобга олиб муҳокама этилди. Зеро, улар ўзларини бу ҳудуддаги жараёнларнинг қузатувчилари, ҳакамлари ва баҳоловчилари деб эълон қилганлар. Айтишим лозимки, баҳс-мунозараларда иштирок этган Ўзбекистон ва Россия олимлари ва таҳлилчиларининг қўрилган масалаларга нуқтаи назари бир хил ёки жуда яқин экани маълум бўлди. Қисқача айтганда, урғу демократияни ривожлантириш зарурлигига, бироқ ҳар бир мамлакатнинг демократия сари ўз йўли бўлиши лозимлигига қаратилди. Шунингдек, демократия ва фуқаролик жамияти ривожланиши умумий стандартларини ҳам назардан қочирмаслик кераклиги ва шу билан бирга миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш лозимлиги эътироф этилди.

### МУНОСАБАТ

Менимча, «Икки ёқлама стандартлар» натижасида дин билан экстремизм тушунчасининг аралаштириб юборилгани Американи боши берк кўчага олиб кириб қўймоқда.

## ИККИ ЁҚЛАМА СИЁСАТ

Жобир МАЛЛАБОЕВ,

Тошкент Халқаро Вестминстер университети катта ўқитувчиси

ЯҚИНДА АҚШ аэропортларидан бирида Американинг кўзга кўринган диний арбоблари намоз ўқиб турганида террорчиликда гумон қилиниб текширувдан ўтказилгани матбуотда эълон қилинган эди. АҚШнинг ақлга тўғри келмайдиган икки ёқлама сиёсати туфайли Ислон билан терроризм аралаш тушунилмаётганмикан?

Хабарларга кўра, «демократия сари собитлик билан қадам ташлаётган» Ироқда сўнгги ҳафтада америкаликлар томонидан конфессиялараро низолар келтириб чиқарилгани натижасида 500 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган.

Агар бу каби воқеаларни санашда давом этсак, номақбул рўйхатнинг бошида АҚШнинг ўзи туриши керак.

Баъзан «халифалик» барпо этиш ғояси тарафдорлари билан барча нарсада мулқ ҳақликка даъвогар АҚШнинг гегемонлик ўрнатилишига уринаётгани ўртасида ўхшашлик бордек туюлади. Бу икки ғояни эса мақсадга эришишда ҳар қандай усуллардан фойдаланиш ҳолатлари умумлаштиради.

Ўзбекистонда Ислон экстремизми ва терроризм қандай ташқи омиллар таъсири остида зимдан раббатлантирилаётганининг сабаблари аллақачон аниқлаб олинган.

бироз пўписа, жиндек ҳайрат ҳам йўқ эмасди.

Мен бир зум сукут сақлаб турдим. Бу орада танишим бўлажак куёвининг мол-мулкию одоб-ахлоқи,

бир куйсин, бир...

— Ҳали бундай воқеалардан ҳеч ким обод бўлмади, балки... — беихтиёр тилимни тишладим.

— Нима, куйиб қоласиз,

Орадан ойлар ўтиб ўша танишимни яна учратиб қолдим. Унинг нигоҳлари маҳзун, юз-кўзлари ҳам хавотирли эди.

— Тинчликми? — деб

ларимиз ҳавас қилиб юрган сеҳрли диёр кифасидаги муҳит! Халқимиз «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», деб бежиз айтмайди. Бизнинг элдошларимиз инсонийлик ва инсон қадрини бошларига тож қилиб киядилар. Бизнинг оталаримиз «Бугун мен учун оғир кун бўлди, ўғлимнинг тўйини менсиз ўтказаверинглар», деб шоҳона болишларга суяниб ётишни ўзига ор билладилар. Ҳаттоки, ўнинчи ўғлини уйлантираётган бўлса ҳам «Энди навбат невараларга», деб севинади. Оллоҳ улар берса, уларни ҳам ўзи уйлантириб, чеvara кўриш ва унинг қўлидан бир пиёла сув ичиб, сўнгра «Оллоҳим, барчаси учун ўзингга шукр», дейди. Ҳаётни мана шундай улғу ҳикматларга тўлдириб яшаш бахт эмасми!

Бугунги ёшлар ана шу ҳақда ҳам ўйлаб кўраётганларми? Айрим юртдошларимизнинг чет элга бориб яшаш учун сотиб олган лотереясига ютук чиқишини ёки хорижга қўз узатишни ўзларига мартаба деб биллаётганлари ниҳоятда ачинарлидир.

Бахт ўзганинг миннатли пулларида эмас, бахт — Ватаниннинг бир сиқим беминат тупроғидадир. Мана шу улғу ҳаётнинг, она юртининг, киндик қонинг тўкилган Ватаниннинг қадрини англаб, ўзликни унутмасдан яшашнинг ўзи чинакам бахтиёрлик-ку!

# БАХТ

## ВАТАНИНГ МЕҲРИНИ ТҮЙИШДАДИР

«Жамият» газетаси саҳифаларида эълон қилинган «Лотереяда ўйналган Ватан» сарлавҳали мақолаи ўқиб, кўпдан бўён ўзимни ҳам ўйлантириб келаётган муаммоларни муштарийлар билан фикрлашим келди. Ватан инсоннинг ор ва номуси, иймон-эътиқоди тимсоли. Наҳотки, олис хорижда ялтираб шуъла сочаётган сароб бахт илинжсида юртдан осонгина ваз кечши мумкин бўлса?! Ахир, бу ўз туққан онагдан юз ўгириш билан баробар эмасми?

**АЙРИМ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ЧЕТ ЭЛГА БОРИБ ЯШАШ УЧУН СОТИБ ОЛГАН ЛОТЕРЕЯСИГА ЮТУК ЧИҚИШНИ ЁКИ ХОРИЖГА ҚЌЗ УЗАТИШНИ ЎЗЛАРИГА МАРТАБА ДЕБ БИЛАЁТГАНЛАРИ НИҲОЯТДА АЧИНАРЛИДИР.**

билимини мақтаб, олти ойдан сўнг виза юбориб, чақириб олмоқчилигига эринмасдан сўзлади.

— Қизингиз на «ёр-ёр» садоси, на ёнида дугоналарини янгаларисиз келин бўларкан-да...

— Нима бўпти, сиз ўйлаган даражада хавотирга ўрин йўқ. Ҳали ганимларим

демоқчисизда-а? Агар билсангиз, уларда цивилизация жуда олдинда. Ҳали кўрасиз, қизим ҳамманинг ҳаваси келадиган бирам зўр бойвучча келин бўлсинки...

Биз тезроқ бу нохуш суҳбатдан қутулиш учун дастурхонга фотиҳа ўқиб ўрни-миздан кўзгалдик.

### Камолитдин МИНГБОЕВ

ЎЗ она Ватанини лотереяга тикканлар шундай «ютук» чиқса, наҳотки ўша «сеҳрли диёр»га қанот боғлаб учсалар! Наҳотки, ўша ёқда бир умр бахтли яшайман, деб ўйласалар. Ахир «сеҳрли диёр»дагилар фақат яшаш ва ишлаш учунгина таклиф этишмаётгани, бундай илтифотнинг тағида қандайдир сирлар пинҳон эканини озроқ ўйлаб, тафаккур қилиб кўрмайдиларми? Аслида чинакам бахт ўз миллатдошларинг билан жамоа бўлиб яшашда эмасми! Шоир ёзганидек:

**Ўзбек кўп бутун ер юзида, аммо Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!**

Шу ҳақда ўйлар эканман, яқинда бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушди.

— Қизимни хорижга турмушга берайпман, — деб қолди танишларимдан бири.

Унинг гап оҳангида озгина кибр ҳам бор эди. Аммо, негадир овози титраброк чикди. Буни нафақат мен, балки бошқа даврадошларимиз ҳам сезишди. Танишимнинг гулдай қизини, гарчи кўрмаган бўлсам-да, дилимдаги тилимга кўчди: — Вой, бечора қиз-ей...

Аммо ўзим ҳам беихтиёр айтган гапимдан ўзим хижолат тортидим.

— Нега ундай деяпсиз? — деди танишим. Овозида

## РОССИЯ ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАРГА ҚАРШИ

Россия ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайтида ёзилишича, 8 декабрда Женевада инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгашининг 3-сессияси бўлиб ўтади.



МАЗКУР сессияда Россия БМТ фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва қарорларни сиёсийлаштирмаслик бўйича «икки ёқлама стандартлар»нинг бартараф этилишига эришмоқчи.

Сессия тугаганидан сўнг унинг яқунлари бўйича Россия делегацияси вакиллари мамлакат нодавлат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан учрашув ўтказиш ниятида.

## РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛМАДИ

«Интерфакс» хабарига кўра, Голландиянинг «Россия бўйича ҳуқуқий ташаббус» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирилгани учун қайта рўйхатдан ўтказилмади.



«РОССИЯ бўйича ҳуқуқий ташаббус» ташкилоти Чеченистон аҳолисига бепул юридик хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ташкилот ҳуқуқшунослари ва тадқиқотчилари ноқонуний ҳибсга олиш, қийноққа солиш, фуқароларнинг ғойиб бўлиши каби ҳолатларни ўрганиб чиқади ва мазкур ишларни Страсбургдаги инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига жўнатади.

Айни пайтда «Россия бўйича ҳуқуқий ташаббус» ташкилотининг Голландия, Ингушетия ва Чеченистонда офислари мавжуд. Human Rights Watch, Москва Хельсинки гуруҳи, Норвегия ва Швеция Хельсинки кўмиталари, «Мемориал» ҳуқуқни ҳимоя қилиш маркази ва «Инсон ҳуқуқлари учун» ташкилоти ва бошқалар унинг ҳамкорлари ҳисобланади.

## ОЗАРБАЙЖОНДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР

Day.Az хабарига кўра, Озарбайжонда шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида қарийб 4100 та юридик шахс давлат рўйхатида олинди. Улардан 3650 таси тижорат ташкилотларидир.



МАМЛАКАТ адлия вазирлигидан маълум қилишларича, рўйхатга олинган нотижорат ташкилотлар 417 тани ташкил этган. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўпдир.

Айни пайтда Озарбайжонда давлат рўйхатида олинган нодавлат ташкилотлар сони қарийб 2300 тани ташкил этади. Сўнгги тўққиз ой мобайнида давлат реестрига 382 та оммавий ахборот воситалари киритилган.

Ҳозирда бу ерда давлат реестрига киририлган 2690 та ОАВ фаолият кўрсатмоқда.

## ЯНГИ ПАРТИЯ РАСМИЙ СТАТУСГА ЭГА БЎЛДИ



РИА «Новости» хабарига кўра, «Справедливая Россия: Родина/Пенсионеры/Жизнь» партияси расман рўйхатдан ўтказилди.

ЭСЛАТИБ ўтиш жоизки, мазкур партия «Родина» партияси, РПЖ (Россия турмуш партияси) ва РПП (Россия пенсионерлар партияси)нинг бирлашуви натижасида ташкил топди. Россия Федерация Кенгаши раиси Сергей Миرون янги партия етакчиси этиб сайланди.

## БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Lenta.ru хабарига кўра, Тверда Россия Жамоатчилик палатасининг бағрикенглик ва виждон эркинлиги масалалари комиссияси, Москва инсон ҳуқуқлари бюроси ва қатор нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида «Фуқаролар ўртасида миллатлараро ва диний муносабатлар соҳасида бағрикенглик тамойиллари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ДАВРА суҳбати иштирокчилари миллатлараро ва диний муносабатлар соҳасида қатор муаммолар, жумладан, диний ва этник муросасизлик ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқ сабаблар мавжудлигини, шунингдек, диний таълим даражасининг ниҳоятда пастлигини қайд этишди.

Давра суҳбати давомида бағрикенглик ва анъанавий ахлоқ шакллари, ёш авлодни бошқа этник ва диний гуруҳлар вакилларига ҳурмат руҳида тарбиялаш каби масалалар муҳокама этилди.



## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Regnum ахборот агентлигининг хабар беришича, Жанубий Осетияда ҳукумат билан нодавлат ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилади.

«БИЗ халққа хизмат қилувчилар билан ҳамкорликка тайёرمىз. Биз ўз фаолиятини ошқора, халқ фаровонлиги йўлида олиб боровчи нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаймиз», — деди Жанубий Осетия президенти Эдуард Кокойта.

Эдуард Кокойтанинг қайд этишича, давлат томонидан учинчи секторга ҳеч

қандай тазйиқ ўтказилмайди. Фақат улардан республика конституцияси ва қонунлари га риоя этиш талаб қилинади.

Эслатиб ўтиш жоизки, айни пайтда Жанубий Осетияда турли соҳаларда унлаб нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.



**Спорт**

Ўзбекистон баскетбол терма жамоаси XV Осиё ўйинлари доирасида дастлабки галабани қўлга киритди. Улар фаластинлик рақибларини 78-60 ҳисобида мағлубиятга учратди. Рауф Ишиев мураббийлигидаги футболчиларимиз эса Бирлашган Араб Амирликлари жамоаси устидан ишончли галабани қўлга киритишди. Ҳужумчи Александр Гейрихнинг иккита голи эвазига ҳамюртларимиз ўз дарвозаларидан битта тўп олиб чиқишди.

## ҚАТАРДА БАҲСЛАР БОШЛАНДИ

ЧОРШАНБА кuni эрталаб мамлакатимиз делегациясининг асосий қисми — сузиш, бокс, шахмат, велоспорт, спорт гимнастикаси, дзюдо, ўқ отиш, оғир атлетика, боулинг, теннис, гандбол турлари вакиллари Тошкент — Шаржа — Доха йўналишида парвоз қилишди. Шунингдек, 2,4,6,9 декабрда ҳам қолган спортчилар Осиё ўйинларида иштирок этиш учун йўлга чиқишди.

Ўзбекистон вакиллари бу йилги баҳсларда шахмат, триатлон, трамплин, гандбол, боулинг, ушу каби спорт турларидан илк бора иштирок этадилар. Дохада Ватанимиз шаънини 243 нафар спортчи ҳимоя қилади.

Осиё ўйинларидан ҳамма ҳам медал-



лар билан қайтишни хоҳлайди. Шу ўринда бокс, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, эркин кураш, енгил атлетика, сузиш, юнон-рум кураши, дзюдо, академик эшкак эшиш, каратэ, шахмат каби спорт турларидан мамлакатимиз спортчилари энг кўп совринли ўринларни қўлга киритиши мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон терма жамоасига асосий олтин медалларни ҳам шу турлар тақдим этиши, шубҳасиз.

Кўп сонли ўзбекистонлик спорт ишқибозлари спортчиларимизнинг Ватанимизга ёруғ юз билан, шода-шода медаллар билан қайтиб келишига ишонади ва уларга мусобақаларда омад тилайди!

Бугун XV Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



## ОБУНА — 2007

### “Жамият” — Сизнинг газетангиз!

Республикада даврий нашрларга обуна давом этмоқда. Ҳар ким ўзига маъқул бўлган газета ва журналларга ёзилиб, келгуси йилда доимий мутолаа қилишга бел боғляпти.

ОММАВИЙ ахборот воситалари сафидан яқинда ўрин олган «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси кўпчилик эътиборига тушди. Унинг саҳифаларидаги турли мақолалар бизга манзур бўляпти. Айниқса, «Муносабат», «Тафаккур», «Тарих саҳифаларида» каби рукнларда чоп этилаётган сермазун, таҳлилий мақолалардан ўзимизга керакли маълумотларни оляпимиз.

«Жаҳон айвони» саҳифасида эса турли мамлакатларда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий вазият батафсил ёритилаётгани эътиборимизни тортмоқда. Утган сонларда чоп этилган фалсафа фанлари номзоди Баҳодир Умаровнинг «Фарб тамаддунининг келажаги борми?» сарлавҳали мақоласини ўқиб, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолаларга ихлосимиз янада ортди ва «Жамият» газетасига обуна бўлишга қарор қилдик.

Газетанинг келгуси сонларида ҳам сермазун, мушоҳадаларга бой мақолаларни ўқиймиз, деган умиддаимиз.

**Шухрат МУСЛИМОВ,**

«Тошкент ташқи иқтисодий алоқалар ва давлат таъминоти» шўъба корхонаси раҳбари.

Нашр индекси — 131



## МАРАФОН ҚИЗГИН ПАЛЛАДА



**Элмурод ЭГАМКУЛОВ**

Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган Умуммамлакат марафониининг биринчи йўналиши (Наманган — Хива) иштирокчилари бугун Гулистон шаҳри марказидан мусобақани давом эттирадилар.

ИККИНЧИ йўналиш (Термиз — Хива) вакиллари эса Фузор туманидан старт оладилар.

Марафончилар Ўзбеки-

тоннинг қайси шаҳар ва туманида бўлмасин, уларни кутиб олиш ва рағбатлантириш муносиб равишда ўтказилмоқда. Ёшлар билан маданий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, иштирокчиларнинг кўнгил-дамолишлари учун барча шароитлар яратилапти.

Умуммамлакат оммавий югуриш марафонини ташкил этишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа қатор ташкилотлар бош-қош бўлмоқда.

### Биласизми?

## ДУНЁ КАБИ КЎҲНА

Терапевтик хусусиятга эга бўлган ажойиб ўсимликлардан бири — алоэ-вера халқ табобатида камида 5 минг йилдан бери ишлатилиб келинади.

**Дилфуза КЎЗИЕВА**

ҚАДИМГИ Миср маликаси, гўзаллиги билан, ҳатто қаҳри қаттиқ Цезарни ҳам мафтун этган Клеопатра ўзига оро беришда алоэдан кенг фойдаланган. Унинг пардоз буюмлари орасида таркибига алоэ қўшиб тайёрланган желе ҳар доим бўлган.

Бу антиқа ўсимликнинг инсон қувватини «ичкаридан» тиклаш учун организмнинг ўз-ўзини даволашга интилишини ошириш, ҳимоя тизим (иммунитет)ни мустаҳкамлаш хусусиятлари замонавий фан томонидан ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Кўпчилик тадқиқотчилар бунинг сабабини алоэ таркибидagi биокимёвий воситаларнинг жуда аниқ ва ке-

ракли меъёрларда мавжудлиги билан изоҳлашади. Табиатда бу ўсимликнинг 200 дан ортиқ тури мавжуд. Аммо фақатгина унинг Алоэ Барбаденсис Миллео ёки бошқача айтганда, алоэ-вера — ҳақиқий алоэгина чин маънода ажойиб «шифокор» сифатида табобатда ва космометологияда кенг қўлланилади. Яраларни битириши, антисептик, терини юмшартувчи ва намлантирувчи ху-



сусиятлари боис алоэдан тери парваршишида ишлатилган космометика ва дорилов воситалар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шифокор тавсияси ва у белгилаб берган меъёрларда алоэ шарбати ичиб туриш эса овқат ҳазм қилиш тизими ҳамда бутун организмга ижобий таъсир кўрсатади.

### МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти  
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси  
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси  
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Нигматилла АБДУЛЛАЕВ  
Шарбат АБДУЛЛАЕВА  
Раъно ЗАРИПОВА  
Худоёр МАМАТОВ  
Гулнора МАРУФОВА  
Қиём НАЗАРОВ  
Фозилжон ОТАХОНОВ  
Мухаммадусуф ТЕШАБАЕВ  
Шоира УМАРОВА  
Маъруфжон УСМОНОВ  
Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ  
Жамолiddин ҲАКИМОВ  
Алишер ШАЙХОВ  
Баҳодир ЭРҒАШЕВ  
Соҳибжон ҚОБИЛОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Беҳзод ҲОТАМОВ

### БОШ МУҲАРРИР

Сирождидин РАУПОВ

### НАВБАТЧИ МУҲАРРИР

Норбобо ШАКАРОВ

### ДИЗАЙНЕР

Гулноза ТОЖИЕВА

### МУСАХХИХ

Аслиддин САТТОРОВ

### НАВБАТЧИ

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ

«Шарк» нашриёт акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Буюртма рақами Г-1379 Тираж: 2000  
Газета «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журналининг ҳафталик иловаси.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 503-рақам билан рўйхатга олинган.  
Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳқўчаси 45 уй.  
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.  
Электрон почта: jamiat@mail.ru  
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Тошпириш вақти: 23.45